

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
Қ А Р О Р И

Тошкент шаҳри

2023 йил 14 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати Б.Сайфуллаевнинг раислигида, ҳайъат аъзолари Р.Сагатов ва В.Сатторовадан иборат таркибда, Б.Жўраевнинг котиблигида, жавобгар вакили К.Авезов (2023 йил 1 ноябрдаги ишончнома асосида)нинг иштирокида, “Mega renting” масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар “Fresh food” масъулияти чекланган жамиятини Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 71-уйнинг ёнида жами 1,05 га ер майдонида жойлашган савдо мажмуасидан мажбурий тартибда чиқариш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича юритилган иш юзасидан қабул қилинган Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 3 февралдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 29 мартдаги қарори устидан “Fresh food” масъулияти чекланган жамияти томонидан берилган кассация шикоят асосида ишни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг биносида бўлиб ўтган очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

“Mega renting” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) Тошкент туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, “Fresh food” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади)ни Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 71-уйнинг ёнидаги жами 1,05 га ер майдонида жойлашган савдо мажмуасидан мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

Суднинг 2022 йил 20 декабрдаги ажрими билан Яккасарой туман ҳокимлиги, Давлат кадастрлар палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ишга низонинг предметига нисбатан мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 3 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилган.

Тошкент шаҳар суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 29 мартдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.



Суд қарорларидан норози бўлиб, жавобгар кассация шикоятни билан муурожаат қилган ва апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, ишни янғидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишни сўраган. Бунга асос қилиб кассация шикоятида даъвогар шаҳобчани таъмирлаш бўйича ишларни бажаришни ўз зиммасига олганлиги, бироқ жавобгар раҳбари шахсий маблағлари эвазига енгил турдаги шаҳобчани таъмирлаш учун 80 000 АҚШ доллари сарфлаганлиги, биринчи инстанция суди биринчи суд мажлисида ҳал қилув қарори қабул қилганлиги сабабли, жавобгар томонидан қарши даъво тақдим этиш имкони бўлмаганлиги, суд мажлисига кеч қолганлигим сабабли, апелляция инстанция суди ҳам ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўриб чиққанлиги, судлар шовша-шошарлик асосида бир тарафлама кўриб чиққанлигини кўрсатган.

Суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинган бўлса-да, даъвогар ва учинчи шахслар суд мажлисида ўз вакили иштирокини таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 297-моддасининг тўртинчи қисмига кўра, кассация инстанцияси судининг суд мажлисига суд муҳокамасини ўтказиш вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган, кассация шикоятини (протестини) берган шахснинг ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг келмаганлиги ишни уларнинг иштирокисиз кўришга тўсқинлик қилмайди.

Ушбу ҳуқуқ нормасидан келиб чиқиб, судлов ҳайъати ишни даъвогар ва учинчи шахслар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар вакили кассация шикоятида келтирилган вазларни қувватлаб, даъвогарда мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслигини билдирди ва шикоятни қаноатлантиришни сўради.

Судлов ҳайъати жавобгар вакилининг тушунтиришларини тинглаб ва шикоятда келтирилган вазларни иш ҳужжатлари билан бирга муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра кассация шикоятини қаноатлантиришни рад этишни, суд ҳужжатини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Иш ҳужжатларига кўра, Тошкент шаҳар худудида шаҳарсозлик объектларини жойлаштириш учун ер участкаларини ажратиш ва қурилиш ишларига оид масалаларни кўриб чиқиш комиссияси йиғилишининг 2016 йил 18 январдаги 34-сонли баёнига асосан даъвогарга Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 71-уйнинг ёнида таркибида музқаймоқ, ширинликлар ва болалар ўйингоҳи жойлашган аҳоли хордиқ чиқариш маскани қуриш учун 1,05 гектар ер майдони доимий фойдаланишга ажратиб берилган. Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг 2016 йил 1 мартдаги 142/662-сонли ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаментининг 2016 йил 10 июндаги 685-сонли рухсатномаларига асосан енгил турдаги шаҳобча қурилган.

Жавобгар мазкур савдо мажмуасидан даъвогар билан тузилган ижара



шартномаси асосида фойдаланиб келган. Ижара шартномаси муддати тугагач, жавобгарга савдо мажмуасини бўшатиб қўйиш талаб қилинган.

Жавобгар томонидан савдо мажмуаси бўшатилмаганлиги сабабли, даъвогар иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарни юқорида қайд этилган манзилдан мажбурий тартибда чиқаришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 228-моддасига кўра, мулкдор ўз мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли (виндикация).

Ишдаги мавжуд ҳужжатлардан кўринишича, жавобгар юқорида қайд этилган манзилдан ҳеч қандай ҳужжатларсиз, ноқонуний фойдаланиб келган.

Мазкур ҳолатда биринчи инстанция суди ишдаги мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо бериб, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўллаб, қонуний ва асосланган суд ҳужжати қабул қилган.

Судлов ҳайъати тарафлар ўртасида тузилган ижара шартномаси мавжуд эмаслигини инобатга олиб, жавобгарнинг шикоятда келтирилган важларни асоссиз деб ҳисоблайди.

Чунки, ФКнинг 232-моддасига кўра, гарчи мулкдор бўлмаса ҳам, лекин мол-мулкка мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик, хўжалик юритиш, оператив бошқариш ҳуқуқи асосида ёки қонун ёхуд шартномада назарда тутилган бошқа асосга кўра эгалик қилаётган шахс ҳам ушбу Кодекснинг 228-231-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади. Бу шахс ўз эгалигини мулкдордан ҳам ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Яъни, мазкур ҳолатда даъвогар юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар асосида қайд этилган манзилда енгил типдаги қурилмаларни қурган ва уни жавобгарга фойдаланиш учун берган. Жавобгар эса ушбу мулкдан бирор-бир ҳужжатсиз фойдаланиб келган ва уни бўшатиб беришдан бош тортган.

Апелляция инстанцияси суди эса ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида асосли қарор қабул қилган.

Шу боис, шикоятда келтирилган важлар асоссиз ҳисобланади ва суд қарорларини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлмайди.

ИПК 302-моддасининг биринчи қисмида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар келтирилган бўлиб, мазкур ҳолатда бундай асослар мавжуд эмас.

ИПК 301-моддасининг 1-бандига кўра, кассация инстанцияси суди кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантирмасдан қолдиришга ҳақли.

Баён этилганларга асосан судлов ҳайъати жавобгарнинг кассация шикоятини қаноатлантиришни рад этишни, қуйи инстанция судларининг қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади. ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига асосан суд харажатлари жавобгарнинг зиммасига юклатилади.

Ишни кассация инстанция судида кўриш билан боғлиқ олдиндан тўланган 1 500 000 сўм давлат божи ва 33 000 сўм почта харажати жавобгарнинг



зиммасида қолдирилади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 301 – 303-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

қ а р о р қ и л д и :

“Fresh food” масъулияти чекланган жамиятининг кассация шикоятини қаноатлантириш рад этилсин.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 3 февралдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 29 мартдаги қарори ўзгаришсиз қолдирилсин.

Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Раислик қилувчи

Б.Сайфуллаев

ҳайъат аъзолари:

Р.Сагатов

В.Сатторова



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ИҚТИСОДИЙ ИШЛАР БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
Қ А Р О Р И
(хулоса қисми)**

Тошкент шаҳри

2023 йил 14 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати Б.Сайфуллаевнинг раислигида, ҳайъат аъзолари Р.Сагатов ва В.Сатторовадан иборат таркибда, Б.Жўраевнинг котиблигида, жавобгар вакили К.Авезов (2023 йил 1 ноябрдаги ишончнома асосида)нинг иштирокида, “Mega renting” масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар “Fresh food” масъулияти чекланган жамиятини Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 71-уйнинг ёнида жами 1,05 га ер майдонида жойлашган савдо мажмуасидан мажбурий тартибда чиқариш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича юритилган иш юзасидан қабул қилинган Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 3 февралдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 29 мартдаги қарори устидан “Fresh food” масъулияти чекланган жамияти томонидан берилган кассация шикоятини асосида ишни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг биносида бўлиб ўтган очик суд мажлисида кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 301 – 303-моддаларини қўллаб,

қ а р о р қ и л д и :

“Fresh food” масъулияти чекланган жамиятининг кассация шикоятини қаноатлантириш рад этилсин.

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2023 йил 3 февралдаги ҳал қилув қарори ва Тошкент шаҳар суди Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2023 йил 29 мартдаги қарори ўзгаришсиз қолдирилсин.

Мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга кириди.

Раислик қилувчи

Б.Сайфуллаев

ҳайъат аъзолари:

Р.Сагатов

В.Сатторова

